

## Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирманчи қисм)

Муаллиф:

29.07.2013 02:03 - Янгиланди 30.06.2017 23:32

---

Normal 0 false false false

MicrosoftInternetExplorer4

### Шоядки, такводор бўлсаларингиз

#### Йигирманчи қисм

**«Биз ўша охират диёрини ер юзида такаббурлик ва бузгунчиликни истамайдиганлар учун килурмиз. Окибат такводорларникидир».** *(Косос сурвси, 83-оят)*

Ўша, илмлилар айтган охират диёрини ер юзида Корун каби такаббурлик ва бузгунчилик килмаганлар, уларнинг ер юзида бўлишини истамайдиганларга берамиз. Ким такводор бўлса, окибат яхши бўлади.

**«Ва Иброхимни (юбордик). Ўшанда у ўз кавмига: «Аллохга ибодат килинглари ва Унга такво килинглари. Бундай килишингиз, агар билсангиз, сиз учун яхшидир».** *(Анкабут сураси, 16-оят)*

---

## Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирманчи кисм)

Муаллиф:

29.07.2013 02:03 - Янгиланди 30.06.2017 23:32

---

Аллох таоло ушбу оятда Иброхим алайхиссаломни ҳам Пайгамбар этиб юборганини айтиб, сўнгра у зот кавмларини кандай даъват этганларини куйидагича васф қияпти:

**«Ўшанда у ўз кавмига: «Аллохга ибодат қилинглр ва Унга такво қилинглр...»** Яъни Иброхим алайхиссалом кавмларига илохий даъватни жуда содда қилиб тушунтирдилар. Аллохга ибодат қилинглр, бошкага эмас, Аллохдан кўркинглр, бошқадан эмас, дедилар. Демак, қиладиган хар бир ишингиз Аллохнинг розилигини топиш учун бўлсин. Хар лахзада Аллохга такво қилиб туринг. Ана шунда мақсадга эришасиз.

**«Бундай қилишингиз, агар билсангиз, сиз учун яхшидир».** Яъни Аллохга ибодат ва Унга такво қилишингиз ўзингиз учун яхшидир, Аллох учун, Пайгамбар учун ёки бошка биров учун эмас.

Аллох, оқибат такводорларники экан, бизларни ер юзида такаббурлик ва бузгунчиликни истамайдиганлардан қилгин. Ўзингга ибодат қилувчи ва Ўзингга такво қилувчилардан қилгин, ё Робб!